ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

26 май, сешанба 1998 йил №61 (563)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

## Эверестда Ўзбекистон байроғи

**Аввал хабар берганимиздек, 1998 йил 22 май кунидан бошлаб 8848 метр баландликда жойлашган дунёнинг энг юксак нуқтаси Эверест чўққисида мустақил Ўзбекистоннинг давлат байроғи ғолибона ҳилпирай бошлади.**

**Чўққига биринчи бўлиб Рустам Ражабов, ундан кейин Олег Григорьев, Светлана Баскакова, Илёс Тухватуллин, Андрей Заикин, Алексей Докукин кўтарилдилар.**

**- Ҳозир ҳаётимиздаги энг бахтли кунларни кечирар эканмиз, мамлакатимиз Президенти, ҳукумати, Давлат спорт қўмитаси, Ўзбекистон Алпинизм федерацияси ҳамда ҳомийларимиз - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва Американинг «Интерпробизнес» корпорациясига миннатдорлигимизни изҳор қиламиз, -дейди экспедиция раҳбари Анатолий Шабанов, -Биз бу ғалабамизни Ватанимизга, мустақиллигимизнинг 7 йиллигига бағишлаймиз.**

## «Эверест» альпинистлар экспедицияси аъзоларига

**Азиз ватандош альпинист-спортчилар! Сизларнинг «дунё томи» деб ном олган - Эверестни забт этиб, ўзбек халқи номи ва байроғини ер юзининг энг баланд чўққисига мангу муҳрлаганингиз ҳақидаги хушхабар менга катта мамнуният ва ғурур бағишлади.**

**Халқимиз ватанпарварлик жасоратингизни зўр ҳаяжон билан кузатиб турди ва ғалабангизни катта олқиш билан кутиб олди.**

**Юксак чўққи сари йўлингизда кўплаб мураккаб қийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтганлигингизни биламиз. Сизнинг мақсад сари қатъият билан олға интилганлигингиз халқимиз табиатига хос бўлиб, бу - юртимиз руҳи ва иродасининг юксак намунасидир.**

**Ватанимиз довруғини дунёга таратган ушбу ғалабангиз Мустақиллигимизнинг етти йиллигига муносиб туҳфа бўлди.**

**Самога туташ чўққи узра қадалган Байроғимиз бизнинг озодлик ва ободлигимиз тимсоли сифатида абадий ҳилпираб турсин!**

**Барчангизни она-юртимизга соғ-омон қайтишингизни тилайман!**

**Омад сизларга ёр бўлсин!**

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

## ҚАРОРИ

## 1998/99 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

«Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан замонавий билимлар ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини замонавий талабларга жавоб берадиган ўқитувчи ва педагог-муҳандислар билан таъминлаш ҳамда олий таълим муассасаларига қобилиятли ёшларни сифатли танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:

1. 1998/99 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 42 минг, шу жумладан 21 минг давлат грантлари асосидаги қабул квоталари белгиланиб, улар Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари ҳамда таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин. Белгилансинки:

олий таълим муассасаларига ўрнатилган қабул режасининг 50 фоизи давлат грантлари ҳисобидан, қолган 50 фоизи тўлов- контракт асосида ташкил этилсин;

олий таълим муассасаларига қабул барча учун / ҳам грантлар, ҳам контракт бўйича/ тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминлансин;

қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида ўрнатилган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадир.

2. Қабулни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

3. Давлат комиссияси Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомга ушбу Қарор талаблари асосида тегишли ўзгартиришлар;

юридик ва жисмоний шахслардан тушган аризалар ва тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, таълим муассасаларига ўрнатилган умумий қабул режаси доирасида, таълим йўналишлари ва қабул кўрсаткичлари бўйича зарур бўлган ўзгартиришлар тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идоралар бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли таълим муассасаларида грантларни ва тўлов-контракт асосидаги ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 1 июлдаги 332-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар**
**Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 май

## ЕТТИ ИҚЛИМ ВАФАСИ

### ЭРОНДА ХУРСАНДЧИЛИК

**Эронда халқаро иқтисодий санкцияларнинг сусайгани ва хориж билан амалий алоқалар боғлангани муносабати билан хурсандчилик давом этмоқда. Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон ва Европа раҳбарлари Эроннинг энергетика тармоғига хорижий компанияларнинг сармояларини сарфлашни чекламаслик ҳақидаги ҳужжатни қабул қилдилар. АҚШ талаби билан Эронга фақат 20 миллиард долларлик сармоя сарфланиши мумкин эди. Энди эса Эронга киритиладиган хорижий сармоялар чекланмайди.**

### ФРАНЦИЯДА ИШ СОАТИ ҚИСҚАРДИ

Франциянинг парламенти — Миллий мажлис 35 соатлик иш ҳафтасини жорий қилиш ҳақидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. Қонунни қабул қилиш учун 75 соатлик қизғин баҳс-мунозаралар ўтказилди. Чунки мухолифат вакиллари иш ҳафтасининг 35 соат бўлиши, яъни тўрт соатга қисқариши ишсизлар сонини кўпайтириб юбориши мумкин, деган хавотирда эди. Ҳукуматнинг фикрича, яқин йиллар ичида мамлакатда янги иш ўринлари ташкил этилади ва ишсизлар сонининг кўпайишига йўл қўйилмайди.

### ЯРАШИШ КЕРАК

**Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кукнинг Туркияга ташрифи ниҳоясига етди. Анқарада бўлиб ўтган учрашувларда Робин Кук шу ҳафтада ўтказиладиган Европа Иттифоқи мамлакатлари йиғинида Туркиянинг ҳам иштирок этиши мумкинлигини айтди. Робин Кукнинг фикрича, бу Туркия билан Европа Иттифоқи ўртасида ёмонлашиб қолган муносабатларни анча силлиқлашга имкон беради.**

### ҲАРБИЙ МАШҚЛАР

Форс кўрфази атрофида ҳарбий ҳаво ва ҳарбий денгиз кучларининг ўқув машқлари бўлиб ўтмоқда. Унда Америка Қўшма Штатлари, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари ва Қувайт ҳарбийлари иштирок этишмоқда. Ҳарбий машқлар ўтказилаётган жойнинг аниқ номи ва иштирок этаётган ҳарбийларнинг сони сир сақланмоқда.

### ЯНГИ ҲУКУМАТДАН УМИД КАТТА

**Индонезиядаги ҳукумат алмашуви мамлакатда барқарорликни юзага келтириши мумкин. Кўпчилик давлатлар раҳбарлари ана шундай деб баёнот бермоқдалар. 76 ёшли генерал Сухарто Индонезия президентлигидан кетиб, унинг ўрнини Бош вазирнинг ўринбосари Ҳабибий эгаллади. Ҳабибий президентлик қасамёдини қабул қилаётган чоғда мамлакатда туб иқтисодий ислоҳолар ўтказиш ниятида эканини айтган. Халқ ҳозирча унга ишонмоқда.**

### НЕТАНЬЯХУ ХИТОЙДА

Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяху Хитой Халқ Республикасига расмий ташриф буюрди. Нетаньяхунинг айтишича, Хитой билан сиёсий ва иқтисодий муносабатларни кучайтириш Исроилнинг ташқи сиёсий фаолиятида асосий йўналишлардан бирини эгаллайди.

**Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида**

*Касаба уюшма ҳаёти: халқаро муносабатлар*

## ДАСТЛАБКИ МУЛОҚОТ, ДАСТЛАБКИ КЕЛИШУВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари учун Мустақиллик берган имкониятлардан бири бу - халқаро миқёсда ҳамкасабалар билан ҳамкорлик йўналишини йўлга қўйиш имкониятидир. Ҳозир Ўзбекистон касаба уюшмалари дунёнинг қарийб 40 та мамлакатидаги халқаро ва мамлакатлар ҳудудида фаолият кўрсатувчи касаба ташкилотлар тажрибасини ўрганиб, улар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Яқинда энг катта норасмий маърифий ташкилотлардан бири, ишчилар маорифи Ассоциациялари халқаро Федерацияси аъзоси, Дания ишчилар маорифи Ассоциациясининг координатори **Хенрик ЙЕССНИНГ** Ўзбекистонга ташрифи ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раиси **Дилбар ЖАҲОНГИРОВА** билан учрашуви касаба уюшмаларимизнинг дунёнинг яна бир истиқболли мамлакатидаги нуфузли ташкилот билан ҳамкорлиги бошланаётганидан бир белги.

Учрашувда Д. Жаҳонгирова даниялик меҳмонга Ўзбекистонда юз бераётган кейинги ўзгаришлар, унда касаба уюшмаларининг ўрни, вазифалари бугунда касаба уюшмалари янги-янги дастурлар асосида фаолият кўрсатаётганлигини бугунги кунда юз очаётган ижобий ўзгаришлар мисолида сўзлаб берди.

Хенрик Йесс аввало ўз ташкилоти, у билан ҳамкорлик йўллари ҳақида гапирди. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг айни дамлардаги қизғин фаолияти унда катта қизиқиш уйғотганлигини эътироф этди. Ҳар икки томон ҳамкорлик юзасидан ўз таклифларини баён қилишди.

Учрашувда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Маҳмуд Расулов, ўринбосарлари Элёр Ёқубов, Зоир Қодиров, Озода Муҳиддиновалар иштирок этишди.

*ХЕНРИК ЙЕСС:*

## Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилса бўлади

**МУХБИРИМИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ДАНИЯ ИШЧИЛАР МАОРИФИ АССОЦИАЦИЯСИ (АОF) КООРДИНАТОРИ ХЕНРИК ЙЕСС БИЛАН МУЛОҚОТИ**

**- Жаноб Хенрик, аввало мазкур Ассоциацияс ҳақида газетхонларимизга маълумот берсангиз?**

- Ташкилотимиз Гиве шаҳрида жойлашган. Унинг 74 йиллик фаолият тажрибаси бор. У 1924 йилда Дания социал демократик партияси ва касаба уюшмалари томонидан барпо этилган. Унинг асосий мақсади ишчилар, умуман, катта ёшдаги ишчилар билан маърифий ишлар олиб боришдир. Ҳозирги кунда Дания аҳолиси беш миллион кишидан иборат. Ҳар йили шу аҳолининг бешдан бир қисмидан кўпроғи, яъни 400 мингдан ортиқ одам АОF нинг лекциялар, семинарлар, доимий курслар ва бошқа маърифий-маданий тадбирлар асосидаги ўқув жараёнида фаол қатнашади. Бизнинг мамлакатимизда 244 ваколатхона ҳамда 13 ҳудудий ташкилотларда кундузги ўрта маълумот, тил ўргатув, кечки мактабларимиз мавжуд. 40 дан ортиқ мамлакатлар билан ҳамкорлик қилинади.

**- Ўзбекистон касаба уюшмалари билан ҳамкорлик ниятининг ташаббускори ким?**

- Ҳар икки томон. Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмаларидан бир гуруҳи ўтган йили бизнинг таклифимизга асосан Данияда бўлишди. Шундан сўнг ўзбекистонликлар Ассоциация фаолиятига бефарқ



эмаслигини билдириб, мактуб йўллади ва мана, амалий ишларга ўтиш юзасидан учрашувлар, мулоқотлар давом этаяпти.

**- Жаноб Хенрик! Ҳамкорликнинг қайси йўналиши бўйича Ўзбекистон билан музокаралар олиб борилаяпти ва бунинг учун Ўзбекистоннинг имкониятлари сизни қаноатлантирадими?**

- Бизнинг таклифимиз - Ўзбекистонда Ассоциациянинг ўқув марказини очиш. Ислоҳотлар йўлидан бораётган мамлакатингиз учун биз ният қилган «Менеджмент», «Бухгалтерлик ҳисоби», «Бюджет», «Меҳнат бозори қонунлари», «Касаба уюшмасида аёллар», «Меҳнаткашларни қўшимча, янги касбларга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муамолари» каби ўқув курслари самарали бўлади, деб ўйлайман.

Ўзбекиистоннинг бу борадага имкониятлари эса етарли. Аввало тинч ҳаётий ва меҳнат муҳити бунинг шартидир. Иккинчидан, мамлакат раҳбариятининг бундай янгиликларга хайрихоҳлиги ҳам бунгача бўлган ишларда кўриниб турибди. Ўзбекистон ўзининг ҳар жиҳати билан дунёнинг ҳар қайси даражадаги мамлакати билан ҳамкорлик қила олишига мен амин бўлдим. Шунингдек, касаба уюшмалари ҳам мамлакатда катта нуфузга эга эканлиги мени қувонтирди. Агар эътибор берган бўлсангиз, бизнинг дастурларимизда ёшлар ва аёллар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилади. Бундай эътибор эса Ўзбекистонда янада чуқурроқ экан. Менга Республиканинг катта-катта ташкилотларини, хусусан, касаба уюшмалари ташкилотларини аёллар матонат ва тадбиркорлик билан бошқариши жуда манзур бўлди. Мен Самарқанд, Андижон, Бухоро, Навоий вилоятларида бўлдим. Ҳамма вилоятларда ҳам касаба уюшмаларининг ўз нашрига эга бўлиши, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг нашри саналмиш «Ишонч», «Ишонч-доверие» газеталарининг эса мамлакатда етакчи нашрлар қаторида туриши мамлакатдаги ижобий ўзгаришларда касаба уюшмаларининг ўрни беқиёслигидан бир далилдир.

**Ч. ЛАТИПОВ**
**суҳбатлашди.**

*Долзарб мавзу*

## «ОЙТАМҒОЛИ»ЛИКЛАР ШАҲАРДАН ИШ ИЗЛАМАЙДИ

- **Тошкентгача замонавий автобус қатнайди**
- **Лекин шаҳарга қатновчилар кам**
- **Оқсоқол ўз гапида ҳақ**

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бериш билан биргаликда бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар, турли хил қурилиш ташкилотларида иш ўринларининг қисқартирилиши оқибатида кўпгина одамлар иш жойларидан ажралди. Бунинг оқибатида оила тебратиш, рўзғорни юритиш илинжида катта шаҳарлар, жумладан Тошкент шаҳрига келиб, тижорат ишларидан тортиб, отчопарда аравакашлик қилишгача бўлгач турли хил юмушларни қила бошладилар.. Бу ишларнинг кимнингдир оиласига «барака» киритаётганлиги ростдир. Аммо...

Мавзумизни чуқурлаштирмасдан бир қишлоқ одамлари, уларнинг бугунги турмуш тарзи асосида ёритишга ҳаракат қилмоқчимиз.

«Ойтамғоли» қишлоғи Оққўрғон туманининг чекка қишлоқларидан бири. Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қуйилишида — икки дарё оралиғида жойлашган. Қишлоқ одамлари Оҳангарон қирғоғида жойлашган. Дўстобод шаҳрида савдо-сотиғини қилади. Ҳар ярим соатда бу ердан Тошкентга замонавий автобуслар қатнаб туради. Демоқчимизки, шундай автобусга ўтирсангиз икки соатда пойтахтга етказиб қўяди. Шундай бўлишига қарамасдан бу қишлоқда шаҳарга келиб ҳафталаб «тирикчилик» илинжида дуч келган жойда юрганлар йўқ.

Қишлоқда 312 хонадон бўлиб уларнинг аксарияти деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишади. Пахта, ғалла, сабзавот, полиз ва бошқа хил турли маҳсулотлар етиштирилади. Ҳар бир оиланинг ўрта ҳисобда 0,15 гектардан томорқаси мавжуд. Ўз томорқаларидан бир йилда уч-тўрт мартадан ҳосил етиштириб олаётган оилалар бор.

Қишлоқда ўн тўртта фермер хўжалиги 4 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу тадбиркор, ишбилармон кишилар мана шу қишлоқда туғилиб ўсган. Улар ўз тадбиркорликлари билан қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаб, кам таъминланган оилаларни ўз қарамоғларига олиб, моддий ва маънавий ёрдам бермоқдалар.

**(Давоми 2-бетда)**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 26 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 54,88 |
| 1 Австрия шиллинги | 7,09 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 143,16 |
| 10 Бельгия франки | 24,18 |
| 1 Голландия гульдени | 44,27 |
| 10 Греция драхмаси | 2,91 |
| 1 Дания кронаси | 13,10 |
| 1 БАА дирхами | 23,89 |
| 1 АҚШ доллари | 87,76 |
| 1 Миср фунти | 25,79 |
| 1 Ирландия фунти | 125,40 |
| 1 Исландия кронаси | 1,24 |
| 10 Испания песети | 5,87 |
| 100 Италия лираси | 5,06 |
| 1 Канада доллари | 60,52 |
| 1 Хитой юани | 10,60 |
| 1 Қувайт динори | 291,08 |
| 100 Ливан фунти | 5,80 |
| 1 Малайзия ринггити | 23,09 |
| 1 Германия маркаси | 49,89 |
| 1 Норвегия кронаси | 11,84 |
| 1 Польша злотийси | 25,81 |
| 10 Португалия эскудоси | 4,89 |
| 1 Сингапур доллари | 53,45 |
| 1 СДР | 117,95 |
| 1000 Туркия лираси | 0,34 |
| 1 Финляндия маркаси | 16,43 |
| 1 Франция франки | 14,88 |
| 1 Швеция кронаси | 11,44 |
| 1 Швейцария франки | 59,84 |
| 1 ЭКЮ | 98,12 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,64 |
| 10 Япония иенаси | 6,42 |
| 1 Россия рубли | 14,25 |
| 1 Украина гривнаси | 42,72 |
| 1000,Беларусь рубли | 2,47 |
| 1 Латвия лати | 147,00 |
| 1 Литва лити | 21,94 |
| 1 Молдава лейи | 18,55 |
| 1 Қирғизистон соми | 4,41 |

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## Республика биржаларида

«Тошкент» Республика қимматли қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 3 та ҳиссадор жамиятлар фаол қатнашди. Улар ўзларининг 11,9 мингта акцияларини сотишиб - 10,4 миллион сўмлик маблағга эга бўлдилар.

Шу савдода юқори самарадорликка Қорақалпоқ Республикаси «Тахиаташ» дон маҳсулотлари ҳиссадор жамияти эришди. Улар ҳам иккиламчи бозорда 2,9 миллион сўмлик акцияларининг сотилишига эришдилар. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, 6 та брокерлик идоралари ҳам қониқарли хизмат кўрсатдилар. Биржа бўйича йил бошидан - 557,2 миллион сўмлик 690,5 мингта акциялар сотилди.

***

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят филиалларида ўтган ҳафтада 28 маротаба савдо бўлиб ўтди. Уларнинг 16 таси кимошди, 12 таси биржа савдоларидир.

Сармоядор юртдошларимиз, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга, хорижлик тадбиркорларга уй-жой қуриш учун ер майдонлари, қурилиши тугалланмаган бинолар, банкрот бўлган корхоналар мулклари, ўрта ва кичик корхоналар, савдо ва маиший хизмат иншоотлари, уй-жой, Ўзгўштсутсаноати уюшмаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзмевасабзавот-холдинг компанияси тасарруфидаги кўчмас мулклар, автоуловлар бошқа бир қанча мулклар таклиф қилинди.

Ҳафта давомида 291 та турли кўчмас мулклар ишбилармонлар ихтиёрига берилди. Уларнинг биржадаги сотув ҳажми 24 млн. 184 минг сўмдан иборат бўлди.

Мазкур ҳафтада сотилган объектлар сони бўйича Наманган вилояти филиали биринчи ўринни эгаллади. Мазкур филиалда бошланғич баҳоси 1 млн. 948 минг сўм бўлган 81 та мулк 3 млн.367 минг сўмга сотилган. Сон бўйича иккинчи ўринни Сурхондарё вилояти филиали эгаллади. Сурхондарёда бошланғич баҳоси 2 млн. 186 минг бўлган 33 та турли мулклар 3 млн. 356 минг сўмга сотилди.

Сотув пули бўйича эса биринчи ўринга биржанинг Андижон вилояти филиали чиқди. Биржанинг Андижон вилояти филиалида 23 та объект 4 млн. 753 минг сўмга сотилди. Сотув пули бўйича эса иккинчи ўринни биржанинг Қорақалпоғистон филиали эгаллади. Қорақалпоғистонда 16 та мулк 3 млн. 903 минг сўмга ишбилармонлар ихтиёрига ўтказилди.

Шунингдек, биржанинг Тошкент вилояти филиалида 8 та объект 2 млн. 524 минг сўмга, Қашқадарё вилояти филиалида 19 та мулк 2 млн. 248 минг сўмга, Бухоро вилояти филиалида 26 та мулк 2 млн. 33 минг сўмга сотилди.

Ҳафта давомида йирик мулклардан: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус туманидаги сут ошхонаси 3 млн. 310 минг сўмга, Андижон вилояти филиалида Андижон шаҳридаги ошхона биноси 2 млн. сўмга сотилди.

Ўтган ҳафтада кўчмас мулк биржасида сотилган объектларнинг бошланғич нархига нисбатан сотилиш баҳосининг ошиши умумий ҳисобда 1,18 баробарни ташкил этди.

## Иқтисодиёт хабарлари

Наманган вилоятида «Папфек» ўзбек-турк қўшма корхонаси ташкил этилди. Ушбу корхона ип ва трикотаж калава ишлаб чиқаради. Янги корхонанинг чет эллик муассиси Туркиянинг машҳур «Текфен холдинг» компанияси бўлса Ўзбекистон томонидан эса «Ўзбекенгилсаноат» ассоциацияси «Енгилинвест», ҳамда «Поп нотўқима материаллар фабрикаси» акциядорлик уюшмаларидир.

Лойиҳанинг қиймати - 43 миллион немис маркасига тенг. Корхона учун жиҳозлар Германиядан олиб келинади.

Қўшма корхона йилига 5.400 тонна хомашёни қайта ишлаб 3900 тонна тайёр маҳсулот чиқариши режалаштирилган. Шу маҳсулотнинг 80 фоизи хорижий давлатларга жўнатилади. Қўшма корхонани яқин кунларда ишга тушириш мўлжалланаяпти.

***

Ўзбекистон автомобил ишлаб чиқарувчи халқаро ташкилот (OICA)нинг қирқинчи аъзоси бўлди. Бу нуфузли клубнинг Парижда бўлиб ўтган бош конференциясида «Ўзавтосаноат» ассоциациясининг вакиллари ҳам иштирок этдилар.

***

Жаҳон амалиётида биринчи марта кунжарадан оқсил моддаси олишга муваффақ бўлинди. Янгийўлдаги оқсил концертрлари заводи қошида ташкил этилган «Микрэл» қўшма корхона мутахассисларининг кўп йиллик олиб борган изланишлари самараси ўлароқ бунга эришилди. Бу маҳсулот қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатида қўлланилади.

***

«Ўзметкомбинат» бирлашмаси Украинадаги «Олвей» фирмаси билан биргаликда пўлат трубалар ишлаб чиқарадиган қўшма корхонага асос солдилар. Ушбу корхонанинг асосий иши «Ўзметкомбинат» мутахассислари ишлаб чиққан янги технологиялар асосида маҳсулот тайёрлаш ва бу ишга украиналик инвесторларни жалб қилишдан иборат.



*ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Кимки ўзига маъқул келган иш билан машғул бўлса, унинг ҳаёти мазмунли кечади. Турмуш қийинчиликлари ундан йироқлашади. Риштон туманидаги очиқ турдаги ип йигирув тўқув ҳиссадорлик жамияти тўқувчиси Гулчеҳрахон Ҳайдарова ҳам ўзига қарашли дастгоҳларда соатлаб ишласа ҳам чарчаганини билмайди. Чунки, тўқувчилик унинг севимли машғулотига айланган.*

**Суратда: тўқувчи Гулчеҳрахон Ҳайдарова.**

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

# Ижтимоий хизматга эътибор

Навоийда яна бир янги шинам бино шаҳар кўркига кўрк қўшди. Вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси кўчиб ўтган бу бинода пенсионер ва ногиронлар, ижтимоий муҳофазага мухтож фуқаролар қабулхонаси, дам олиш хоналари, дорихона, сартарошхона ҳам мавжуд. Тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ва вилоят пенсия жамғармаси ҳам шу ерга жойлашди. Айни вақтда бошқармага қарашли фахрийлар ва ногиронлар учун реабилитация маркази ҳам фойдаланишга топширилди. Ижтимоий хизматни яхшилаш мақсадида битта «Нексия» ва иккита «Тико» автомашинаси ажратилди.

Тадбирда Республика ижтимоий таъминот вазири Б.Умурзоқов қатнашди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

*Касаба уюшма ҳаёти*

# КЕЛИШИЛГАН ҲОЛДА

Қамаши туманидаги Гагарин номли жамоа-ширкат хўжалигида Оила йили муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада хўжалик касаба уюшма қўмитаси хўжалик маъмурияти билан келишган ҳолда қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Хўжаликда 742 хонадон, 327 та кўп болали оила бор. Яқинда аҳолига арзон нархда ўсимлик ёғи, гуруч тарқатилди. Бундан ташқари, 80 кишининг аризаси эътиборга олиниб, 1000 сўмдан ёрдам пули берилди. Турли санаторийларда саломатликларини тиклаш учун 14 кишига йўлланмалар берилди. 6 киши эса дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариб қайтди.

Хўжалик касаба уюшма қўмитаси Оила йилига бағишлаб турли қизиқарли тадбирлар, кечалар ва мазмунли суҳбатлар ўтказиб бормоқда.

**Аҳрор САМАРИДДИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# «ОЙТАМҒОЛИ»ЛИКЛАР ШАҲАРДАН ИШ ИЗЛАМАЙДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Ана шундай фермерлардан бири Бакиржон Исроиловдир. Бакиржоннинг маълумоти ҳам, тажрибаси ҳам кам эмас. Москвадаги қишлоқ хўжалиги академиясининг иқтисодиёт куллиётини тугатган. Билими ва иқтидори бўйича шаҳарда истаган фирмада ишлаши мумкин эди. Бундай қилмади. Жамоа хўжалиги раиси муовинлиги вазифасидан бўшаб, деҳқон-фермер хўжалигини ташкил қилди. Дастлабки йили 37 гектар ерда деҳқончилик қилди. Пахта, буғдой экиб, улардан мўл хосил олишди. Буғдойнинг режадан ортиғи 4 тоннасини фермер хўжалиги аъзолари ва қишлоқдаги муҳтож бўлган оилаларга тарқатди.

Қишлоқ фермерларидан Тилов Норқулов, Сайдулло Гулбов, Зийнатилло Эшболтаев, Санақул Холиқуловлар ҳам бу қишлоқда бўладиган ҳар бир тадбирдан четда туришмайди. Улар тўй-маъракаларда, маросимларда бир-бирларига ёрдам қўлини чўзишади.

Бундан икки-уч йил аввал 20 га яқин ёшларимиз, қиз-жувонларимиз «тирикчилик» юзасидан катта шаҳарларга, ҳатто Россия Федерацияси, Украина каби қўшни давлатларга кетишган эди. Улар ҳафталаб ҳатто ойлаб оиласидан, бола-чақасидан узоқда юришди. Оилада тарбия сусайди. Бунга бефарқ қараб туриш, минг йиллар давомида қишлоқларимизда таомилга кирган, аҳлоқ-одоб мезонига айланган ақидаларимизни бузиш, ота-боболаримиз юзига оёқ қўйиш билан баробар эди. Шунинг учун ҳам мана шундай оилалар билан маҳалла оқсоқоллари иштирокида суҳбатлар уюштирдик. «Нима камчилигинг бор, оилангга нима керак? Томорқанг йўқми, иш йўқми?» деб сўрадик. Тонна-тонна юкни ташигандан кўра мана сенгга ер, деҳқончилик қил. Бола-чақангни боқ, камини ҳамжиҳатликда тўлдирамиз» деб гаплашдик, — дейди маҳалла оқсоқоли Тўрақул ака Исроилов, — Жуда ҳам қийналган оилаларга ёрдам пули, турли хил маҳсулотлар бериб турдик. Биласизми, асли қишлоқда яшаб, бир оз ери, сигири, мевали дарахти бўлган одамлар озгина маош олсалар ҳам тирикчилиги ўтиб турди. Менимча масаланинг яна бир нозик томони бор. «Колхоз» дегани одамларимизни данкаса қилиб қўйди. Энг муҳими, «колхоз»да ҳамма тенг, яхши ишласанг ҳам «енг учида» ишласанг ҳам маош олаверасан. Худди катта шаҳарда яшайдиган ишчиларга ўхшаб маошга яшайдиганлар кўпайди. Томорқасини ўт босиб кетди. Мол-ҳолга қарашни ортиқча иш деб ҳисоблашди. Яъни «колхозчи» зиёлилар пайдо бўлди. Мана энди асосан ана шу «колхозчи зиёлилар» қийналиб қолишди. Томорқаси бор, бироқ ишлашга «бўйни ёр» бермайди. Ҳозирча турли ном билан аталаётган «колхоз» эса маошни ёлчитмай қўйди. Нима қилсин? Халтани олиб шаҳарма-шаҳар кезадиган бўлди. Охир-оқибатда бирин-кетин қайтиб келишди. Айтинг-чи, менга ким айтади қишлоқда «иш йўқ» деб. Йил ўн икки ой ишлаш мумкин.

Истак, чидам, бардош бўлса бас.

Зокир ака Алибоев йил ўн икки ой ишлайди. Шунга яраша яхши яшайди. Ўн икки нафар фарзандини уйли-жойли қилди. Икки юз туп лимони, йигирма қути асаларилари бор. Жамоа хўжалигининг ҳам «кучи» етмаган беш гектарли кўлни ўзлаштириб қундуз боқиб, мўйна етиштирди. Кўл атрофига 4 минг туп терак экди. Қишлоғимизда бундай оилалар жуда кўпчиликни ташкил қилади.

Ҳа, маҳалла оқсоқоли Тўрақул ака хақ гапни айтди. Мамлакатимиз Президенти, Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш борасида изчиллик билан олиб бораётган саъй-ҳаракатлари натижасида бу қишлоқда ҳам деҳқон-фермер хўжалиги, оила пудрати, пайчилик асосида кенг кўламда ислоҳотлар бошланди. Одамларда ерга, мулкка эгалик ҳисси уйғонди. Ҳозирда ҳар бир оила пайчилик асосида ўн йиллик шартнома билан деҳқончилик қилишмоқда. Ҳафталаб шаҳарда қолиб бозордан-бозорга маҳсулот ташиб тирикчилик қилиб юрган ҳамқишлоқлар қайтиб келишиб ана шу жўшқин меҳнатга қўшилишди. Бутун бир қишлоқ аҳолиси иноқликда бир оилага ўхшайди. Дарҳақиқат бу оиланинг отадек улуғ бошчилари, мунис оналардек меҳрибонлари бор. Улар сидқидилдан қишлоқдошларига, бағридаги фарзандларига тўғри йўл кўрсатмоқдалар.

**Мирза ҲАМДАМ.**

# «НУРОНИЙ» ҲАРАКАТДА

***Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор» деган пурҳикмат нақл бор. Бу бежиз эмас. Кучғайратга тўлган ёшлик чоғларини, бутун умрини эл-юрт фаровонлигига бағишлаган кексаларимиз бахтиёр ҳаёт кечиришмоқда. Улар ҳар бир ишда бош-қош. Қимматли маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан фаолдирлар. Доимо дуога қўл очар эканлар, юртимизда тинчлик барқарор бўлишини тилайдилар. Истиқлол кунларга шукроналар айтадилар.***

***Мустақил диёримизда нуроний отахону, онахонларимиз, фахрийлар эъзозланади. Ўтган йили Президент И.Каримовнинг Фармонига асосан мамлакатимизда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ташкил этилди.***

***Жамғарма раиси Бектош Раҳимов мухбиримизга ўтган даврда амалга оширилган ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди:***

- Юртбошимиз томонидан «Нуроний» жамғармаси ташкил этилганлигидан мустақил мамлакатимиздаги барча уруш ва меҳнат фахрийлари мамнун бўлишди.

Жамғарма фаолият кўрсата бошлагач, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят, туман ва шаҳарларда «Нуроний» жамғармасининг бўлимлари ташкил этилиб, жойларда фахрийларнинг 13 мингдан ортиқ жамоатчилик марказлари тузилди.

Кенгашлар, раёсат йиғилишлари ўз вақтида ўтказилиб, уларда жамғарма фаолиятига оид иқтисодий-хўжалик, ижтимоий муҳофаза, маданий-маърифий, кадрлар ва тарбиявий масалалар кўриб чиқилди.

Ўтган йилнинг охирида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги қарорига асосан жамғарманинг 27 та шаҳар бўлимлари туман бўлимлари билан қўшилди. Шу муносабат билан таъсис мажлислари ўтказилди. Жойларга услубий тавсияномалар юборилди. Барча жойларда бўлимлар ва бошқарма Низоми ишлаб чиқилди. Жамғарма уставига жиддий ўзгаришлар киритилди ва улар Марказий Кенгаш йиғилишида тасдиқланди. Адлия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтказилиб янги гувоҳнома олинди.

Жамғарманинг ўз рамзи тайёрланди. Ўтган даврда «Нуроний» жамғармаси тасарруфидаги корхоналар сони мингдан ошди. Шулардан 4 таси республика жамғармаси, 254 таси вилоят бўлимлари, 1077 шаҳар, район бўлимлари тасарруфидаги корхоналардир. Улардаги ишчилар сони 9310 нафардан ошди.

Бир неча ҳуқуқий шахслар билан ҳамкорликда янги «Кўмак-Нуроний» ва «Нуроний-Ҳамкор» ишлаб чиқариш ва тижорат фирмалари тузилди. Улар жамғармамизга иқтисодий фойда келтиришаяпти.

**- Хориж тадбиркорлари билан ҳам алоқа ўрнатиш имконияти бўлса керак...**

- Албатта. Ўтган йили дастлабки халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. АҚШнинг USAID ваколатхонаси раҳбари ёрдамида «Couhterpart» хайрия фирмаси билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

«Word Concern» халқаро хайрия ташкилотининг Ўрта Осиё бўлим директори Ричард Пеннер жанобалари билан бўлган ҳамкорлик натижасида хайрия сифатида бир қанча моллар олиниб, улар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар «Нуроний» жамғармаси бўлимлари ўртасида тақсимланди.

**- Ёшлар тарбиясида нуронийларнинг хизмати беқиёсдир. Шу хусусда ҳам гапириб берсангиз...**

- Бажонидил. Ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол, эл-юрт корига ярайдиган кишилар қилиб тарбиялашда фахрийларимиз фидоийлик кўрсатишаяпти. Ўқув юртларида, мактабларда уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, суҳбатлар уюштирилаяпти.

«Нуроний» жамғармаси ва «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда ҳар йили «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари, кўрик-танловлар ўтказилаяпти. Ғолибларни рағбатлантириш мақсадида жамғармамиз ҳисобидан қимматбаҳо совғалар ажратилаяпти.

**- Ташаббуслар ҳақида ҳам тўхталсангиз...**

- Республика касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар қўмитаси ва жамғармамиз ташаббуси билан ўтган йилнинг май ойида 40 нафарга яқин уруш фахрийлари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳатга чиқдилар.

Мулоқот клубининг давра суҳбатлари тез-тез ўтказилиб келинаяпти. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 февралдаги «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга оширилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига биноан эҳтиёжманд, кекса фахрийларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Ғамхўрлик» рейди ўтказилди.

Рейд давомида жамғарманинг жойлардаги жамоатчилик марказлари орқали уруш ва меҳнат фахрийларининг аҳволи яқиндан ўрганилди. Ногиронлик аравачалари, қўл-оёқ протезлари, эшитиш аппаратлари тарқатилди. Бир гуруҳ фахрийларга эса санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар ажратилди. Ёлғиз, кекса нуронийларнинг хонадонлари таъмирлаб берилди. Ва бу борадаги ишлар давом эттирилаяпти.

Умуман, саховатли нуронийлар мустақил республикамизнинг янада фаровон бўлиши, юртбошимиз томонидан амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлашда камарбаста бўлишаяпти. Оила йилидаги режаларимиз эса янада улкан. Жамғармамиз доимо ҳаракатда.

**Суҳбатдош: Абдулла АЙИЗОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

Республика кўчмас мулк биржаси тўрт йилдан бери фаолият кўрсатиб келади. Шу давр ичида республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан ҳам ҳамнафас бўлиб яшамоқда. Жамиятимизда янги мулкдорлар синфини шакллантиришда ўз улуши бор. Хусусийлаштириш жараёнини узлуксиз давом эттириб танловлар, кимошди ва биржа савдоларини ташкил қилмоқда.

РКМБ ва унинг 14 та филиаллари тўрт йиллик фаолият давомида 40 мингдан кўпроқ кўчмас мулк иншоотлари ва бошқа мулкларни - 4,9 миллиард сўмга сотди.

Ҳозирги кунда нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслари тобора кўпроқ сотувчи сифатида қанашмоқда. РКМБ умумий сотув ҳажмида нодавлат секторининг улуши 1997 йилдаги 15,7 фоиздан 1998 йилда 56,8 фоизга ортди. Шу муносабат билан Республика кўчмас мулк биржасининг Жамланма ва таҳлил бошқарма бошлиғи Толибжон Момбаев қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Республика кўчмас мулк биржаси рақобатбардош бўлиши ва кўчмас мулк бозорида мувофиқлаштирувчи ташкилот ролини сақлаб қолиши учун ўз фаолиятини тўхтовсиз такомиллаштириб бориши, кўрсатаётган хизмат савиясини ошириб бориши лозим. 1998 йил 16 январда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Эксперт маркази, Ўзбекистон Республикаси олий хўжалик суди, иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси, Давлат Солиқ Қўмитаси, РКМБ ўзаро ҳамкорлик қиладиган тармоқ маҳкамалари, банклар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган РКМБ Бошқарувининг кенгайтирилган мажлисида РКМБ ва унинг филиаллари 1997 йил давомида олиб борган ишларига якун ясалди, шунингдек, 1998 йилда амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Биржа савдоларини фаоллаштириш учун РКМБ ва унинг филиаллари янги тадбирлар ишлаб чиқмоқда, янги брокерлик идоралари очилмоқда, брокерларни ўқитиш курслари ташкил қилмоқда. РКМБ тизимида брокерлик идоралари сони 1998 йил I чораги мобайнида 281 тадан 329 та ортди, брокерларнинг сони эса 462 тага етди. 152 та шаҳар ва туманларда брокерлик идоралари ишлаб турибди. Мақсадимиз бу йил яна ҳам самаралироқ ишлаш, республикамиз иқтисодини мустаҳкамлаш ва хусусийлаштириш жараёнини тараққий эттириш ҳамда мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат.

**Суҳбатдош**
**Шомаҳмуд**
**ШОБИЛОЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Касаба уюшма ҳаёти:*
*Таъсис қурултойи*

# КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ УЧУН

Ўтган йили республикамизда 7,9 миллион тонна нефть ва конденсат, 51,2 миллиард куб метр табиий газ қазиб олиниб ўсиш суръати 103,5 фоиз ва 104,6 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар 1993 йилга нисбатан икки баробарга кўпдир. Ўта қисқа муддат ичида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ конидаги ноёб газ компрессор станцияси ишга туширилди. Америка Қўшма Штатлари ва Япониянинг йирик компаниялари ҳамда молия ташкилотлари билан ҳамкорликда Шўртан газ-кимё мажмуини қуриш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қайта қуришга доир инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўтган давр ичида республикамизнинг нефть ва газ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилиб, бу маҳсулотлар экспорт ҳам қилина бошланди.

Республикамиз кимё саноатида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. «Ўзкимёсаноат» ассоциацияси корхоналари томонидан ўтган йилда 28,9 миллиард сўмлик маҳсулот, шу жумладан 6,7 миллиард сўмлик халқ хўжалик истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Аҳолига 130 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Қишлоқ хўжалик учун 776 минг 400 тонна минерал ўғит етказиб берилди. Ўтган йилда карбомид, аммоний сульфат, спирт, нитрон толаси ва лак-бўёқ материалларини ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

Бундай ютуқларга эришишда ижтимоий шерикчилик асосида ишлаётган касаба уюшмаларининг катта ҳиссаси бор. Жойларда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш маиший шароитларини яратиш, меҳнаткашларни соғломлаштириш каби масалалар юзасидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилди ва изчил амалга ошириб борилди. Улар эса ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, юқори ишчанлик вазиятни ташкил этишга олиб келди.

- Бугун олдимизда жуда масъулиятли вазифа турибди,-деди таъсис қурултойида маъруза қилган Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, кўмир, нефть ва газ энергетика ҳамда кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаларини бирлаштириш таъсис қурултойини ўтказиш, ташкилот Уставини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи раиси А.Ғуломов,-биз бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнаткашлар ва улар оилалари ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари устиворлигини таъминлашимиз даркор. Бунинг учун касаба уюшмалари моддий бақувват, ташкилий уюшган ва катта салоҳиятларга эга бўлиши керак. Бугунги бирлашувимиз шундай яхши мақсадлар, катта истиқбол, юрт тинчлиги ва тотувлиги муштараклигига хизмат қилмоғи зарур.

Нотиқ бу ишга тайёргарлик юзасидан олиб борилган ташкилий-оммавий ишларга тўхталиб ўтди.

Шу йил март ойида уч касаба уюшма Марказий қўмитасининг қўшма пленумида бу масалалар кенг муҳокама қилинган ва тадбирлар белгиланган эди. Пленум қарорига мувофиқ «Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба таъсис қурултой ва Уставини тайёрловчи ишчи гуруҳи тузилди ҳамда жойларда касаба уюшма ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди.

Республиканинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон республикаси ва Тошкент шаҳрида бирлашган касаба уюшма ташкилотларининг тегишли органлари ташкил этилди. Қўшма пленум қарорига мувофиқ ишчи гуруҳи томонидан бирлашган касаба уюшмаларининг Устави ишлаб чиқилди. Тўққиз бўлимдан ташкил топган янги Уставда ташкилот мақоми, фаолиятнинг ҳуқуқий асослари ва принциплари, асосий мақсад ҳамда вазифалари, аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, касаба уюшмасининг ташкилий тузилиши, бошланғич, бирлашган, шаҳар, вилоят ва Марказий қўмита, уларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари, ташкилотнинг сайланма органлари ва уларнинг ваколатлари, ташкилотнинг маблағлари, мулклари ва улардан фойдаланиш тартиблари ўз аксини топган.

Маърузачи ва маъруза юзасидан сўзга чиққан нотиқлар олиб борилган тайёргарлик ишлари, кўзланган мақсад, касаба уюшмасининг обрў-эътиборини ошириш, ташкилий-оммавий ишлар тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг беш тамойилидан бири бозор муносабатларига ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёсат юргизишдир. Жамоат ташкилотлари, айниқса касаба уюшмалари шундай сиёсатни жойларда амалга оширувчи ижрочилардир. Бу вазифани ҳал этиш учун ташкилий ва таркибий жиҳатдан тўлиқ шаклланган бўлмоғи даркор.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги касаба уюшма ҳаракатлари тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, фақат иқтисодий жиҳатдан бақувват, йирик ва кучли касаба уюшмаларигина барча вазифаларни ҳал қила олиш имкониятига эга бўлади. Геология, нефть ва газ, кўмир ва энергетика саноати ўзаро иқтисодий муносабатлари бир-бирига кўп даражада боғлиқ. Шу жумладан, касаба уюшма ҳаёти ҳам. Шунингдек, бирлашув кучли шартномалар тузиш, спорт-соғломлаштириш муассасалари ва жойлардан унумли ва тўла фойдаланиш имкониятларини яратадики, бу яна ҳам муҳим.

Қурултойда жойларда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишлари, уларда кўтарилган масалалар, тушган таклифлар, тузилган ҳаракат дастурида кўзда тутилган асосий йўналишлар ҳақида фикрлар билдирилди. Чунончи, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, ташкилотлар, тармоқлар иқтисодиётини барқарорлашувига кўмаклашиш, ҳимоя шартномалари, битимлар тузиш ва уларнинг изчил бажарилишини таъминлаш, меҳнат низолари ва баҳсларини ижтимоий ҳамкорлик руҳида ҳал этиш, меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш ва «Бандлик тўғрисида»ги қонуннинг бажарилишини назоратга олиш каби масалалар бу ҳужжатда ўз аксини топган. «Ҳаракат дастури»да меҳнат муҳофазаси ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Меҳнат шароитини яхшилаш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касаллигини олдини олиш ҳуқуқий саводхонликни ошириш, маданий-маиший муассасаларни тўла сақлаб қолиш ва улардан фойдаланиш каби масалаларга диққат билан қаралган.

Маъруза юзасидан музокарага чиққан Муборак газни қайта ишлаш корхонасининг бошлиғи Н.Зайниев, Янги-Ангрен Давлат иссиқлик электр станцияси касаба уюшма қўмитасининг раиси Д.Жаферов, тармоқ касаба уюшмаси Фарғона вилоят қўмитасининг раиси С.Мўминова, Қорақалпоқ электр тармоқлари касаба уюшма қўмитасининг раиси О.Боймирзаев, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Нитрон» корхонаси участка бошлиғи Л.Соболева ва бошқа кишилар касаба уюшмаларини бирлаштиришнинг ижобий томонлари, моддий бақувват базаларга эга бўлиш, моддий маблағлардан, тиббий муассасалар, спорт иншоотлари ва майдонларидан марказлашган ҳолда ва тўла фойдаланиш кадрлар малакасини, касаба уюшмалари маданий-маънавий, ташкилий-оммавий даражаларини ошириш, ҳаётда ўзини оқлаган илғор тажрибаларни оммалаштириш, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялашда ишнинг турли усул ва услубларидан фойдаланиш ва бошқа муҳим масалалар юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Газетамизнинг аввалги сонида ахборот берганимиздек, бирлашган касаба уюшмасининг тегишли органларига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасига Алишер Ҳамидович Ғуломов раис, Риҳсибой Ёқубов ва Ҳикматулла Раҳматуллаев раис ўринбосарлари этиб сайландилар.

Қурултой ишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Э.Ёқубов ва «Ўзбеккимёсаноат» ассоциацияси бошқарувининг раиси Н.Юсупбеков қатнашдилар.

**Будир ПЎЛАТОВ.**

